

Намоз ўқимайдиган одам...

15:06 / 28.04.2017 6221

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деб марҳамат қилади: **“Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар намозларини «унутиб» қўядилар”** (Моъун, 4-5).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб марҳамат қилганлар: **“Аллоҳ таоло қиёмат куни умматимнинг ўнта тоифасига ғзаб қилади, уларни лаънатлайди ҳамда улар учун аламли азоб тайёрлаб қўйган. Аллоҳ уларни дўзахга киритади”** дедилар. Шунда саҳобалар: *“Улар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?”* деб сўрашди. У зот шундай жавоб бердилар: **“Зинокор қария, золим раҳбар, доим ароқ ичувчи, закотни ман қилувчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, одамлар орасида чақимчилик қилувчи, ота-онасининг юзига ғзаб билан боқувчи, хотинини талоқ қилиб, кейин ҳаром ҳолатда ушлаб турувчи, зулм ва жабрга ҳукм қилувчи, бадани соғ бўла туриб намозни тарк қилувчи”**.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан соғ бўла туриб намозни тарк қилувчи одамнинг тавҳиди ҳақида сўралди. У зот: *“Намозни тарк қилувчи кишининг тавҳиди йўқ, намозни тарк қилувчи кишининг закоти йўқ, намозни тарк қилувчи кишининг рўзаси йўқ”* деб жавоб бердилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб марҳамат қилади: **“Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шаҳватларга эргашган кимсалар ўрин олдилар. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқурлар”** (Марям, 59).

Ушбу оятдаги “ёмонлик” деб таржима қилинган сўз арабчада “ғойй” деб номланади. “Ғойй” эса жаҳаннамдаги бир водий бўлиб, унга фақатгина намозни узрсиз тарк қилувчилар тушади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дедилар: *“Қиёмат куни банда биринчи бўлиб Намози сўралади. Агар намози қабул бўлса, бошқа амаллари ҳам қабул бўлади”*.

Намоз ўқимайдиган одам Аллоҳ билан боғланиш неъматидан маҳрум бўлади.

Намоз ўқимайдиган одам Аллоҳ билан ёлғиз қолиб, унга муножот қилишдан, шу ибодатнинг руҳий, маънавий лаззатларидан бебаҳра қолади.

Намоз ўқимайдиган одам омонлик, хотиржамлик ва нажотдан мосуво бўлади.

Намоз хато ва гуноҳларни ювишнинг энг ишончли йўл бўлиб, у доимо ўз эгасига кўплаб шахсий фойдалар келтиради. Намоз ўқимайдиган одам эса бундай фойдалардан бенасиб қолади.

Намоз ўқимайдиган одам Аллоҳдан узоқлашади.

Намоз ўқимайдиган одамнинг иродаси заиф бўлади.

Намоз ўқимайдиган одам мислсиз нафсоний роҳат ва руҳий фароғатлардан қуруқ қолади.

Намоз ўқимайдиган одам ғафлат уйқусида ухлаётган бўлади.

Намоз ўқимайдиган одам ҳаётга теранроқ назар сола олмайди.

Намоз ўқимайдиган одам беинтизом, бетартиб бўлади.

Намоз ўқимайдиган одам вақтнинг қадрига етмайди.

Намоз ўқимайдиган одам қўрс, шошқалоқ, пасткаш, бесабр бўлади.

Намоз ўқимайдиган одам мусулмонлар билан бўладиган ижтимоий боғланишлардан, яхшилик йўлидаги ҳамкорликлардан бенасиб қолади.

Намоз ўқимайдиган одамда меҳрибонлик, ёрдамга шошилиш, ғамхўрлик ҳисси бўлмайди.

Намоз ўқимайдиган одамда мустаҳкам ишонч бўлмайди.

Намоз мусулмон кишини ғайримусулмондан ажратиб турувчи энг асосий белгидир.

Намоз ўқимайдиган одамни ҳеч ким ҳурмат қилмайди.

Намоз ўқимайдиган одамдан ҳеч ким хотиржам бўлмайди.

Маълумки, намоз поклик ва озодалик рамзидир.

Намозхон одамнинг энг аввало, қалби пок бўлади. Қолаверса, бадани, кийим-боши ва макони ҳам пок бўлади.

Намоз ўқимайдиган одамнинг эса кийими, бадани ва энг асосийси, қалбининг поклигида шубҳа бор.

Намоз ўқимайдиган одамнинг юзида нур бўлмайди.

Намоз ўқимайдиган одамнинг юраги тор, ўта инжиқ бўлади.

Намоз ўқимайдиган одамнинг ризқи танг бўлади.

Намоз ўқимайдиган одамга ҳамма ғазаб билан қарайди.

Намоз ўқимайдиган одамни ҳамма ёмон кўради.

Намоз ўқимайдиган одам жамиятнинг ишончсиз кишиси ҳисобланади.

Намоз ўқимайдиган кишга ҳеч ким ишонмайди.

Намоз ўқимайдиган одамнинг гувоҳлиги ўтмайди.

Қачонгача ғафлат уйқусида ухлаймиз?!

Қачонгача Роббимизнинг тоатидан бўйин товлаб юрамиз?!

Ўз нафсимизга раҳмимиз келсин. Эртага охиратда талофат етишидан олдин унга насиҳат қилайлик. Чунки, сафар узоқ, озуқа эса кам.

Вақтни ғанимат билиб, ўлим учун ҳозирлик кўрайлик.

Аллоҳ барчамизни беш вақт намозни ўз вақтида, масжидда, жамоат билан адо этадиган бандаларидан қилсин, омин!

Нозимжон Ҳошимжон